
Фурқатлик яна бир оила яраштирилди

Оиланинг жамиятдаги ўрни ва роли масаласи барча даврларда ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган.

Шу маънода оиланинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, халқимизнинг оила билан боғлиқ қадриятларини мазмунан бойитиш, оилаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Мажбурий ижро бюроси Фурқат тумани бўлими томонидан аҳамиятли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан бугун бюро томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг тегишли қарорига асосан алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича бўлим ходимлари томонидан олиб борилган суҳбатлар натижасида оила ярашишига эришилган. Албатта бу ҳолат фарзандлар қувончига сабаб бўлмоқда. Бу каби ижобий ишлар жорий йил ҳисобидан бир неча мартаба ортишига эришилган.

МИБ Фурқат тумани бўлими

2022-10-22 11:55:31